

Юлдашев Нурбек Нормуродович

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтининг бош илмий ходими (PhD)*

**МОДДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ДЕПРИВАЦИОН КАМБАГАЛЛИК: АСОСИЙ
ЖИХАТЛАР...**

Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли камбағаллик даражасини ҳисоблашнинг моддий ва ижтимоий депривацион усули бошқа анъанавий усуллар билан таққосланади ҳамда унинг ўзига хослиги тавсифланади. Аҳолининг монетар ва кўп ўлчамли индекс усулларида аниқланган камбағаллик даражаси моддий депривацион усул билан ҳам аниқланганда нисбатан тўлиқроқ аҳволни кўриши мумкин бўлади. Камбағаллик даражасининг депривацион усулда аниқланиши унинг ҳудудий ва ижтимоий-демографик гуруҳлар ўртасидаги фарқлари янада яққол кўринишига туртки бўлади.

Калит сўзлар: депривацион камбағаллик, монетар камбағаллик, мутлақ камбағаллик, минимал истеъмол харажатлари қиймати, кўп ўлчамли индекс усули, уй ҳўжалиги, даромад.

ЮЛДАШЕВ НУРБЕК НОРМУРОДОВИЧ

*Главный научный сотрудник Института
макроэкономических и региональных исследований при
Кабинета Министров Республики Узбекистан (PhD)*

**БЕДНОСТЬ С МАТЕРИАЛЬНЫМИ И СОЦИАЛЬНЫМИ ДЕПРИВАЦИЯМИ:
КЛЮЧЕВЫЕ АСПЕКТЫ...**

Аннотация. В данной статье сравнивается метод расчета уровня бедности населения, основанный на материальных и социальных депривациях, с другими традиционными методами и описываются его специфические характеристики. Относительно более полная картина будет видна, когда уровень бедности, определяемый монетарными и многомерными индексными методами, дополняется методом материальных лишений. Определение уровня бедности методом депривации является стимулом для того, чтобы бедность становилась более очевидной в различиях между территориальными и социально-демографическими группами.

Ключевые слова: депривационная бедность, денежная бедность, абсолютная бедность, стоимость минимальной потребительской расходы, метод многомерных индексов, домохозяйство, доход.

YULDASHEV NURBEK NORMURODOVICH

*Chief Researcher at the Institute of Macroeconomic and Regional Studies
under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan (PhD)*

**POVERTY WITH MATERIAL AND SOCIAL DEPRIVATION:
KEY ASPECTS...**

Abstract. This article compares the method of calculating the poverty level of the population based on material and social deprivation with other traditional methods and describes its specific characteristics. A relatively more complete picture will be seen when the poverty level, determined by monetary and multidimensional index methods, is supplemented by the method of material deprivation. Determining the poverty level using the deprivation method is an incentive for poverty to become more evident in the differences between territorial and socio-demographic groups.

Key words: deprivation poverty, monetary poverty, absolute poverty, the minimum consumer value, the method of multidimensional indices, household, income.

Қирини

Бугун дунёда камбағаллик ва ночор турмуш шароитида истиқомат қилаётган аҳоли қатлами муаммолари жуда долзарб бўлиб қолмоқда. БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги барқарор ривожланиш мақсадлари орасида устувор вазифалардан бири сифатида айнан ушбу даврга бориб сайёрамизда камбағаллик ва тенгсизликни кескин қисқартириш қайд этилган[1]. БМТ Тараққиёт дастури (UNDP)нинг 2023 йилги 110 та мамлакатда ўтказилган тадқиқотларига кўра, сайёрамизда 1,1 млрд инсон (жами аҳолининг 18,0%и) кўп ўлчамли камбағаллик индекси бўйича ночор ҳаёт кечирмоқда[2].

Аҳоли камбағаллик даражасининг ортиши нафақат давлат ва жамият, балки аҳоли учун ижтимоий хавфли жараёнга айланиши билан бирга, қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки бу жараён ижтимоий тараққиётни секинлаштирадиган ва инқирозларни вужудга келтирадиган қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳам кун тартибига чиқаради. Бу борада мамлакатлар ва алоҳида ҳудудларда ҳақиқий вазиятни кузатиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартиришга қаратилган стратегик йўналишларни аниқлаш мақсадида аҳоли камбағаллик даражасини мунтазам ҳисоблаб бориш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса ҳар тарафлама пухта ва мукамал, илмий асосланган ҳамда натижаларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудларида аҳоли камбағаллик даражасини ҳисоблашнинг монетар ва кўп ўлчамли индекс усулларида ташқари моддий ва ижтимоий депривацион усулидан ҳам фойдаланиш, ушбу усулнинг ўзига хос тарафлари ҳамда бошқа усуллардан фарқли жиҳатлари, халқаро тажрибада ундан фойдаланаётган мамлакатлар услубиёти атрафлича ёритилган.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аксар ислохотларнинг пировард мақсади аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда камбағаллик, ишсизлик ва кам таъминланганлик каби кўрсаткичларни қисқартиришдан иборатдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида жами 100 та мақсад белгиланган бўлиб, уларнинг аксарида “инсон қадри учун” тамойили асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар акс этган. Стратегиянинг 22- ва 29-мақсадлари бевосита аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартиришга бағишланган бўлиб, жумладан, 2026 йилга бориб мамлакатда камбағаллик даражасини икки баробарга, 2030 йилга бориб эса кескин қисқартириш белгиланган [3].

Умуман олганда камбағаллик тушунчасини нисбий ва ягона таърифга эга бўлмаган ижтимоий-иқтисодий жараён деб ҳисоблаш мумкин. Шундай бўлсада, олис 1975 йилда Европа Кенгаши томонидан эълон қилинган таърифга кўра, “камбағаллик – аҳолининг минимал даражада ҳаёт кечириши

учун зарур бўлган даромад ва ресурсларнинг чекланганлиги” сифатида қайд этилган[4]. Машҳур олим, Нобел мукофоти совриндори, Инсон тараққиёти индекси муаллифларидан бири - Амартея Сен эса камбағалликни “инсонларга жамиятнинг барча жабҳаларида тенг иштирок этиши учун имкониятларнинг етишмаслиги ҳамда уни кенг қамровли ўлчовларда аниқлаш лозим”лигини билдирган[5].

Шиддат билан ўзгариб бораётган ва жамиятларда аҳоли яшаш шароитларининг кескин тафовутлари кўзга ташланаётган вақтда камбағалликни монетар усуллар орқали аниқлаш ва баҳолаш ягона ишончли кўрсаткич бўла олмайди. Шунинг учун аҳоли турмуш даражасининг турли кўринишларини ҳар томонлама ва объектив баҳолаш мақсадида бошқа усуллардан, жумладан, моддий ва ижтимоий депривацион ёндашувлардан ҳам фойдаланиш вазиятни тўлақонли кўриш имконини беради.

Аҳоли камбағаллик даражасини аниқлашнинг депривацион усуллари борасида тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири, британиялик социолог Питер Таунсенд 1970 йилларда илк бор “кўп ўлчамли депривацион камбағаллик” тушунчасини олға сураб экан, жумладан “жамиятда бирор шахс, оила ёки кишилар гуруҳининг кузатиладиган ва расман исботланадиган ночор турмуш кечириши”ни[6], кундалик ҳаётда зарур бўладиган моддий, маиший маҳсулотлар ҳамда хизматлардан фойдалана олмаслик ҳам камбағалликнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлаган.

Адабиётлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда аҳоли камбағаллик даражасини ҳисоблашда нисбатан ривожланмаган, паст даромадли мамлакат ва ҳудудларда монетар, ривожланиш нисбатан юқори ҳамда ривожланаётган ҳудудларда кўп ўлчамли индекс ва депривацион камбағаллик даражаларини аниқлаш бирмунча осон, шу билан бирга самарали эканлигини эътироф этиш лозим. Бу борада камбағалликни қисқартиришда юқори натижаларга эришган Хитойда “Икки эҳтиёж” (озик-овқат ва кийим-кечак) ва “Уч кафолат” (таълим, соғлиқни сақлаш ва уй-жой) тартиби айнан юқоридаги фикрларга мисол бўла олади. Шунингдек, Европанинг 27 та мамлакатада 2009 йилдан бошлаб моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик даражаси ҳисобланиб, доимий равишда мониторинг олиб борилиши ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва бошқа ислохотларда акс этмоқда[7], [8], [9].

Россия Федерациясида депривацион камбағаллик бўйича илк тадқиқотлар 1996-1997 йилларда[10] амалга оширилган бўлса-да, кенг миқёсдаги тадқиқотлар 2000 йиллардан сўнг ривожланди. Жумладан, 2016 йилдан бошлаб депривацион камбағаллик даражасини ҳисоблаш ва баҳолаш мақсадида Россия статистика қўмитасининг “Уй хўжаликлари даромадлари ва уларнинг ижтимоий дастурларда иштирокини кузатиш” ва “Аҳоли яшаш шароитларини комплекс мониторинг қилиш” танлама тадқиқотлари ўтказиб келинмоқда[11], [12].

Шу ўринда, депривация атамаси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Гарчи ўзбек тилида “маҳрумлик, чекланганлик” сўзларига яқин маънони англатса-да, бу тушунча халқаро амалиёт, жумладан инглиз, рус ва бошқа тилларда

хам тўғридан тўғри депривация шаклида қўлланилганлиги учун, ушбу мақолада айнан асл формада қўлланилиши зарур деган тўхтамга келинди.

Асосий қисм

Жаҳон тажрибасида аҳолининг камбағаллик даражаси ёки умуман фаровонлик ҳолатини аниқлаш, ўлчашда қатор ёндашувлар мавжуд. Яъни аҳоли даромад ва харажатлари қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган монетар (мутлақ ва нисбий камбағаллик, Monetary poverty), жамиятда мавжуд ижтимоий (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва ҳок) хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланганлиги билан боғлиқ кўп ўлчамли индекс (Multidimensional Poverty Index) ва инсоннинг ўзини ўзи ҳамда атрофидаги кишиларнинг камбағал дейишига асосланган субъектив камбағаллик (Subjective poverty) тушунчалари амалиётда учрайди (1-жадвал).

1-жадвал

Камбағаллик даражасини ҳисоблаш усуллари*

Усул	Турлари	Тавсифланиши	Ўлчов асоси
Монетар	Мутлақ	<i>Аҳолининг белгиланган минимал истеъмол харажатлари ва даромадлари қийматидан ёки тасдиқланган истеъмол савати қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.</i>	<i>Ккал ёки пул қиймати</i>
	Нисбий	<i>Аҳоли ўртача даромадларига нисбатан минимал ёки маълум бир белгиланган даромадлар ёки харажатлар қиймати билан ҳисобланади.</i>	<i>Пул қиймати</i>
Кўп ўлчамли индекс	-	<i>Аҳолининг жамиятда мавжуд ижтимоий механизмлар (таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, ижтимоий ҳимоя ва ҳок)дан фойдалана олиш имконияти билан баҳоланади.</i>	<i>Улуш</i>
Депривацион	Моддий	<i>Аҳолининг ўз шахсий тасарруфида бўлган моддий қийматдаги маҳсулотлар билан таъминланганлик ҳолати билан баҳоланади.</i>	<i>Балл</i>
	Ижтимоий чекланган (Social Exclusion)	<i>Аҳолининг жамиятдаги барча учун бирдек мавжуд бўлган ижтимоий-маиший хизматлар ва имкониятлардан фойдалана олиш даражаси билан баҳоланади.</i>	<i>Балл</i>
Субъектив	-	<i>Инсон ўзини ёки атрофидаги кишилар уни камбағал деб ҳисоблашига асосланган, фақат ижтимоий сўровлар орқали аниқланади.</i>	-

**Муаллиф ишланмаси.*

Юқоридаги усул ва ёндашувлардан ташқари, инсоннинг кундалик ҳаётда зарур бўладиган ва турмуш фаровонлигини акс эттирадиган моддий қийматга эга маҳсулотлар ҳамда баъзи ижтимоий-маиший хизматлардан фойдалана олиш имконияти билан тавсифланадиган, нисбатан янги ва бошқа усуллар билан қатор жабҳаларда боғланган — камбағалликни моддий ва ижтимоий депривацион (Material and social deprivation) усулда ҳам аниқлаш мумкин.

Кўп ўлчамли индекс усули орқали аҳоли камбағаллик даражасини аниқлаш учун одатда аҳолининг учта йўналиш — таълим, соғлиқни сақлаш

ва уй-жой (турмуш фаровонлиги)дан фойдаланиш даражаси ва имкониятлари жами 10 та кўрсаткич орқали ўлчанади (2-жадвал). Бироқ ҳар бир мамлакат ўз ички имкониятлари ҳамда менталилетидан келиб чиқиб ушбу кўрсаткичларни ўзгартириши мумкин. Бу усул ривожланган, жамиятда барча фуқаролар учун тенг имкониятлар, жумладан бепул таълим, соғлиқни сақлаш ва яшаш шароитлари яратилган бўлса, камбағаллик даражасини аниқлашда бироз ноаниқлик вужудга келиши эҳтимоли бор. Чунки, бепул ижтимоий хизматлар яратилган жойда улардан фойдалана олиш, имкониятлар борасида тенгсизликни аниқлаш бироз мураккабдир. Кўп ўлчамли индекс усулида камбағалликни аниқлаш учун юқорида қайд этилган 10 та индикаторга турлича улуш (вазн) берилса (2-жадвал), моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик усули ёрдамида камбағаллик даражасини аниқлашда балл тизимидан фойдаланилади. Бунда маълум индикатор сўров ўтказилаётган инсон ёки уй хўжалигида мавжуд бўлса 1 балл, йўқ бўлса 0 балл бериш орқали умумий баллар йиғилади ҳамда жами йиғиш мумкин бўлган балларнинг 70 %и (турли давлатларда турлича, яъни 50,0, 60,0 ёки 65,0% белгиланган, бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бошқа омилларга боғлиқ) мавжуд бўлса, у инсон ёки оила камбағал ҳисобланмайди.

2-жадвал

Кўп ўлчамли индекс усулида аҳоли камбағаллик даражасини ҳисоблаш тартиби

Усул	Йўналишлар ва вазн улуши	Индикаторлар вазн улуши
Кўп ўлчамли индекс	Соғлиқни сақлаш, 1/3	<i>Соғлом озиқланиш</i> , 1/6
		<i>Болалар ўлими</i> , 1/6
	Таълим, 1/3	<i>Мактабда таълим олинган йиллар</i> , 1/6
		<i>Мактабга қатнов давомийлиги</i> , 1/6
	Турмуш фаровонлиги ёки турар-жой ҳолати, 1/3	<i>Электр энергияси билан таъминланганлиги</i> , 1/18
		<i>Санитария ҳолати</i> , 1/18
		<i>Ичимлик суви билан таъминланганлиги</i> , 1/18
		<i>Овқат тайёрлаш учун ёқилги тури</i> , 1/18
		<i>Турар-жой биноси ҳолати (том, девор ва ҳок)</i> , 1/18
		<i>Моддий активлар (қийматга эга буюмлар)</i> , 1/18

Депривацион усулда камбағаллик даражасини аниқлаш кўпроқ индивидуал характерга эгаллиги билан, яъни бирор шахс ёки оила ўз ички имкониятлари, турмуш кечириши сифатини ўзи яратиши ҳамда ўзгаришлар, аниқроғи камбағалликдан чиқиб кетиш муддати тезкорроқ эканлиги билан ажралиб туради. Чунки, кўп ўлчамли камбағаллик даражасини аниқлаш индикаторлари кўпроқ давлат ва жамият томонидан барча учун яратилган ижтимоий имкониятлардан (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳок) фойдалана олиш даражаси билан белгиланса, моддий ва ижтимоий депривацион камбағалликда инсон ёки оила ўзлари яратган моддий қийматдаги маҳсулотлар ёки мавжуд ижтимоий-маиший имкониятлардан фойдалана

олиш даражаси билан баҳоланади. Гарчи халқаро ва Ўзбекистон камбағалликни ҳисоблаш методологияларида кўп ўлчамли камбағаллик индексини аниқлашда моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилганлиги, яъни кўп ўлчамли индекс усулининг бир қисми сифатида [13], [14], [15] кўрилган бўлса-да, Европа иттифоқи, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда депривацион камбағаллик аҳоли турмуш даражасини белгиловчи алоҳида кўрсаткич сифатида ҳисоблаб борилади.

Европа иттифоқи мамлакатларида депривацион камбағаллик бўйича дастлабки тадқиқотлар 1970-йиллардан бошланган. Бироқ ҳозирда амалда бўлган услубиёт 2006 йилда Европа иттифоқи статистика хизмати (Eurostat) ва Франция статистика институти томонидан “Камбағал бўлмаслик учун шахс ёки уй хўжалиги нималарга эга бўлиши керак?” мавзусида ўтказилган социологик сўров асосида ишлаб чиқилган. Ва бу сўровда иштирок этган респондентларда қуйидаги имконият ва товарларнинг камида 50 %и ёки 5 таси мавжуд бўлса улар депривацион камбағаллик ҳолатида эмас деб топилган:

- *Кутилмаган молиявий харажатлар учун жамгарма маблағидан фойдалана олиш;*
- *Бир йилда камида бир ҳафтага уйдан ташқарида ҳордиқ чиқара олиш;*
- *Уй-жой ижараси, коммунал, кредит ва бошқа тўловлардан қарздорлик йўқлиги;*
- *Кунора гўштли, балиқли, товуқли ва уларга тенг қувватли таом истеъмол қилиш;*
- *Уй-жойнинг меъёрида иситилиши;*
- *Кир ювиш машинаси;*
- *Рангли телевизор;*
- *Телефон;*
- *Шахсий автомобиль.*

Ушбу рўйхат узоқ йиллар давомида Европа Иттифоқи мамлакатлари аҳолиси учун депривацион камбағаллик мониторингини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилган [7]. Бироқ кейинроқ ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши, тараққиёт шиддати ҳамда турли давлатлардаги менталитетдан келиб чиқиб ушбу рўйхат бироз ўзгарган [16] ҳамда аҳолининг депривацион камбағаллик даражасини ҳисоблаш учун 13 та индикатордан фойдаланишга ўтилган. Улар икки йўналиш — уй хўжалиги даражасида ва шахсий имкониятлардан келиб чиқиб ҳисобланган ҳамда қуйидагилардан иборат бўлган:

1. Уй хўжалиги даражасида:

- *Кутилмаган харажатларда молиявий танглик бўлмаслиги;*
- *Йилда бир марта уйдан ташқарида бир ҳафта ҳордиқ чиқара олиш имконияти;*
- *Ижара, коммунал, кредит ва бошқа тўловлардан қарз бўлмаслик;*
- *Кунора гўштли, балиқли ва бошқа юқори қувватли таом истеъмол қила олиш;*
- *Уй-жойда эркин яшай олиш (уй-жой ижтимоий нормаси меъёрида бўлиши);*
- *Шахсий автомобил ёки микроавтобуснинг мавжудлиги;*
- *Эскирган мебелларни янғисига алмаштира олиш имконияти.*

2. Шахсий имкониятлар даражасида:

- *Интернетга тўсиқсиз улана олиш;*

- Эскирган кийимларни янгисига алмаштира оши;
- Ҳар қандай мавсумда кия оладиган икки жуфт пойабзалнинг бўлиши;
- Ҳафталик шахсий эҳтиёжлар учун маълум миқдорда маблағ сарфланиши;
- Мунтазам (ҳар ҳафтада, ойда) дам олиш имконияти;
- Бир ойда бир марта дўстлар ёки оила билан биргаликда овқатланиш имконияти.

Тричество

50,70%

(5,6)

24,40%

-(4,5)

- 5,3

- 13,6%

Санитария

75,60%

(3,0)

60,30%

-(4,0)

- 3,1

- 4,4%

Вода

17,10%

(3.3)

12,90%

-(2,9)

*

- 0,8

- 5,5%

Напольное покрытие

76,70%

(4.1)

70,00%

-(4,0)

**

- 1,3

- 1,8%

Топливо для приготовления

ПИЩИ

86,80%

(2,8)

79,30%

-(3,2)

- 1,5

- 1,8%

Ресурсы

Электричество

50,70%

(5,6)

24,40%

-(4,5)

- 5,3

- 13,6%

Санитария

75,60%

(3,0)
60,30%
-(4,0)

- 3,1
- 4,4%

Вода
17,10%
(3.3)
12,90%
-(2,9)
*

- 0,8
- 5,5%

Напольное покрытие
76,70%
(4.1)
70,00%

-(4,0)

**

- 1,3

- 1,8%

Топливо для приготовления

пищи

86,80%

(2,8)

79,30%

-(3,2)

- 1,5

- 1,8%

Ресурсы

Аммо, ҳозирги кунга келиб Европа иттифоқи аҳоли турмуш даражаси ва даромадлари статистикаси (EU-SILC) методологиясида деярли 50 та индикатордан аҳоли турмуш фаровонлиги ва депривацион камбағаллик даражасини ҳисоблашда фойдаланилмоқда[16]. Шундан 30 дан ортиқ кўрсаткич катта ёшдаги (16 ёшдан ошган) аҳоли, 17 таси эса болалар фаровонлик даражасини аниқлашда қўлланилмоқда. Улар қуйидагилардир:

А. Уй хўжалигида истиқомат қилувчи 16 ёшдан катта ҳар бир аъзо учун индивидуал даражада:

1. Уяли алоқа воситаси мавжудлиги

2. Эскирган кийимларни янгисига алмаштира олиш имконияти
3. Исталган мавсумга мос бўлган икки жуфт пойафзалнинг мавжудлиги
4. Ҳар ҳафта оз миқдордаги пулни ўз шахсий мақсадлар учун сарфлай олиш (халқда одатда “чўнтак пули” деб аталади)

5. Бир ойда бир марта дўстлар (оила) билан бирга тушлик (кафе, барда) қила олиш
6. Исталган пайтда бўш вақт топиб ҳордиқ чиқариш.

V. Уй хўжалиги ёки оиладаги барча аъзолар учун бирдек тааллуқли:

7. Уйда иссиқ сув (ювиниш)нинг мавжудлиги
8. Уйда ижтимоий норма (бир кишига тўғри келадиган кв.метр)нинг мавжудлиги
9. Уйни етарли даражада ёритиш имкони мавжудлиги
10. Уй томи, деворлари ва полдан сув ўтмаслиги, эшик-деразаларнинг бутунлиги
11. Уйда маиший мақсадларда оқова сув мавжуд ҳожатхона борлиги
12. Уйда ванна ва душнинг мавжудлиги
13. Уй-жойда доимий равишда чиқиндилар бўлмаслиги
14. Уй-жой яқинидаги жамоат иншоотларининг соз ҳолатдалиги
15. Кўчадан ёки қўшиллардан кучли шовқиннинг эшитилмаслиги
16. Уй-жойда ифлосланиш, экологик муаммоларнинг мавжудлиги
17. Уй-жой жойлашган ҳудудда жинойятчилик, зўравонлик ва талончилик йўқлиги
18. Уй-жой жойлашган ҳудудда аҳоли жуда зич яшайди
19. Уй-жой учун харажатларнинг юқорилиги (уй хўжалиги жами даромадининг 40,0% ва ундан ортигини ташкил этса)

20. Эскирган мебелларни алмаштира олиш имконияти
21. Кунора гўшти, товۇқли, балиқли ёки бошқа таомларни истеъмол қила олиш
22. Қутилмаган харажатларга тўғри келганда қийналмаслик
23. Уй-жойнинг етарли даражада иситилиши.
24. Уйдан ташқарида бир йилда бир ҳафта таътилга чиқиши
25. Уй-жой ижара, ипотека, коммунал ва бошқа тўловлардан қарздорлик йўқлиги
26. Қир ювиш машинаси
27. Рангли телевизор
28. Телефон, шунингдек уяли алоқа воситаси
29. Компьютер, ноутбук ёки планшет
30. Енгил автомобил, ёки шахсий фойдаланиш учун минифургон
31. Интернет тизимига уланиш имконияти
32. Уй хўжалигининг жамоат транспортдан фойдаланиши чекланганлиги
33. Хўжаликнинг почта, банк ва бошқа хизматлардан фойдаланиши чекланганлиги

C. Уй хўжалигидаги 16 ёшгача бўлган болалар учун: бунда битта бола учун зарур бўлган индикаторлар инобатга олинади:

34. Нисбатан янги (бироз кийилган бўлса ҳам) кийимларнинг мавжудлиги
35. Болага лойиқ бўлган ҳар қандай мавсумга мўлжалланган икки жуфт пойафзал
36. Ҳар кунлик сарҳил мева ва сабзавотлар истеъмол қилиши
37. Уч маҳал овқатланиш имконияти
38. Суткада камида бир марта гўшти таом истеъмол қилиши
39. Уйда бола ёшига мос китобларни мавжудлиги
40. Ҳовли ёки уйда бола ҳордиқ чиқариши учун мосламаларнинг мавжудлиги
41. Уйда бола учун мўлжалланган ўйин жиҳозлари мавжудлиги
42. Уй вазифасини бажариш учун етарли даражада жойнинг мавжудлиги
43. Зарур ҳолларда стоматологга мурожаат қила олиш имконияти
44. Зарур ҳолларда умумий амалиёт шифокорига мурожаат қила олиш имконияти
45. Мунтазам равишда бўш вақтни ўтказиш (спорт, тўғарак ва ҳок) имконияти
46. Алоҳида тантанали кунларда қанаиша олиш имконияти
47. Мунтазам равишда дўстлар ёки синфдошларни тушликка таклиф эта олиш

48. *Кўшимча харажат зарур бўлган тадбирлар(саёҳат ва б)да иштирок эта олиши*
49. *Кўшни болалар билан хавфсиз ўйинлар учун очиқ майдонларнинг мавжудлиги*
50. *Ҳар йили уйдан узоқда камида бир ҳафталик таътилга чиқа олиши.*

Россия Федерацияси статистика қўмитасининг 2016 йилги “Аҳоли турмуш даражасини ялпи кузатиш” (КОУЖ-2016) танлама тадқиқотлари натижаларига кўра, мамлакатда аҳолининг депривацион камбағаллик даражасини ҳисоблаш учун куйидаги 16 та индикатордан фойдаланиш [17] йўлга қўйилган эди:

1. *Ҳафтада 2 марта гўшт, балиқ ёки товуқ гўшти (ёки уларга тенг келадиган қувватга эга вегетариан таомлар) таом истеъмол қилиши учун маблағнинг етишмаслиги*
2. *Йилнинг исталган вақтида мева-сабзавот истеъмол қила олиши имконияти*
3. *Эскирган кийимларни алмаштириши учун маблағ етишмаслиги*
4. *Яшаи жойининг торлиги (жон бошига 6 кв.м.дан кам уй-жой майдонига эга)*
5. *Коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлай олмаслик*
6. *Турар-жойни иситиши тизими ёки ёқилги сотиб олиши учун маблағ етишмаслиги*
7. *Яроқсиз ҳолга келган мебелларни алмаштириши учун маблағ етишмаслиги*
8. *Уйни фавқулодда таъмирлаш учун маблағ етишмаслиги (эшик-деразалар, санитария анжомларини алмаштириши, том, девор, полни таъмирлаш ва ҳоказо.)*
9. *Кундалик зарур дори-дармонларни сотиб олиши учун маблағнинг етишмаслиги*
10. *Ҳар бир оила аъзосига икки жуфт мавсумий пойафзал сотиб олиши имконияти*
11. *Телефон (шу жумладан уяли телефон) сотиб олиши имконияти*
12. *Компьютер сотиб олиши имконияти*
13. *Уй-жойни иссиқ сув билан таъминлаш ёки иситиши мосламасини сотиб олиши*
14. *Уй-жойда ҳаммом, душ ёки бошқа турдаги ювиниши мосламалари мавжудлиги*
15. *Меҳмонларни оилавий байрамларга (туғилган кун, янги йил ва бошқ) таклиф қила олиши имконияти)*
16. *Йилда бир марта бир ҳафталик таътилни уйдан узоқда ўтказиши имконияти.*

Россияда бу руйхат умумий аҳоли қатлами учун мўлжалланган бўлиб, худди Европа мамлакатларида мавжуд услубиёт асосида 17 та кўрсаткичдан иборат болалар депривацион камбағаллик даражаси ҳам ҳисобланади.

Европа иттифоқи мамлакатлари услубиётларидан фарқли ўлароқ Россияда аҳолининг ижтимоий ва депривацион камбағаллик даражасини аниқлашда уй-жой билан боғлиқ баъзи индикаторлар, йирик маиший буюмларнинг мавжудлиги кабилар якуний руйхатга киритилмаган. Чунки, 2016 йилги танлама кузатувлар натижаларига кўра, сўров ўтказилганлар ва ҳатто камбағал деб ҳисобланган қатлам орасида бор йўғи 0,1-0,5 % аҳолининг узоқ муддатли маиший буюмларга эга бўлмаслик ҳолати аинқланган. Уларнинг улуши жуда пастлигига аҳоли турмуш даражасини аниқлашда маиший буюмлар моддий қийматга эга товар бўлмай қолганлигини сабаб қилиб келтиришади. Европа мамлакатлари методологияларида эса, аҳолининг йирик маиший буюмларга эга бўлишида асосий жиҳат — уларнинг мавжудлиги эмас, балки янгилиги, фойдаланишга яроқлилиги ҳамда муддати билан белгиланиши кераклиги қайд этилган.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, депривацион камбағалликни аниқлашнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланган узоқ

муддатли фойдаланишда бўлган маиший жиҳозлар билан таъминланиш статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳар 100 та уй хўжалигига тўғри келадиган телевизор, совутгич ва музлатгич, кир ювиш машинаси, мобил телефонлар сони юқориликча қолмоқда (3-жадвал). Бироқ бу кўрсаткичлар умумий аҳолига нисбатан ҳисобланганлигини, депривацион камбағалликда эса жами аҳолига нисбатан маиший жиҳозларга эга бўлмаган ёки эскирган жиҳозларга эга аҳоли қатлами ҳисобга олиниши лозим.

3-жадвал

Аҳолининг узок муддатли фойдаланишда бўлган маиший жиҳозлар билан таъминланганлиги (ҳар 100 та уй хўжалигига нисбатан, бирликда)

№	Жиҳозлар	2010 йил	2015 йил	2020 йил	2023 йил
1.	Енгил автомобиль	21	42	49	57
2.	Телевизор	132	152	162	176
3.	Совутгич ва музлатгич	99	101	107	118
4.	Кондиционер	19	32	40	47
5.	Чангютгич	37	53	60	71
6.	Компьютер	12	47	60	66
7.	Кир ювиш машинаси	75	79	90	96
8.	Мобил телефонлар	145	234	287	349

Изоҳ: Статистика агентлиги маълумотлари тузилди.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам аҳолининг депривацион камбағаллик даражасини аниқлаш учун қуйидаги жадвалда келтирилган индикаторлардан фойдаланиш таклиф этилади (4-жадвал). Ушбу индикаторлар камбағаллик даражасини ҳисоблаш учун тўлиқ ва мукамал тасвирни акс этмасада, кичикроқ миқёсда (маҳалла, туман, шаҳар) тадқиқот ҳамда дастлабки ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.

Маълумот учун шуни қайд этиш зарурки, жадвалда оилаларнинг айни вақтда шахсий фойдаланувида бўлган, олиб-сотиш, ижара ва бошқа шаклдаги даромад келтирмайдиган моддий активларигина инобатга олинади. Бундан ташқари, ушбу саволномани шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари учун алоҳида тузиш, шунингдек ундаги активлар ва ижтимоий имкониятлар рўйхатини ҳудудлар менталитетидан келиб чиқиб ўзгартириш мумкин.

Жадвалдаги активлар ва имкониятларга балл бериш орқали, яъни сўралаётган актив ёки имконият оилада мавжуд бўлса 1 балл, йўқ бўлса 0 балл бериш орқали оилани турмуш кечириш даражасини баҳолаш мумкин. Шунда ҳисоблаш мумкин бўлган максимум балл 30 ни ташкил этиши, оиланинг мавжуд активлари ва имкониятлари 21 баллдан (ёки жамига нисбатан 70,0%ни) ортиқни ташкил этса, ушбу оиланинг турмуш кечириш даражаси қониқарли деб ҳисобланиши мумкин. Ўз ўзидан 20 ва ундан паст балл тўплаган оила депривацион камбағал ҳисобланади.

4-жадвал

Аҳолининг моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик даражасини аниқлаш бўйича саволнома намунаси

№	<i>1. Моддий активлар бўйича</i>	<i>бал л</i>	<i>бо р</i>	<i>йўқ</i>
---	----------------------------------	------------------	-----------------	------------

1	Уй-жой (қурилганига 50 йилдан ёки тўлиқ таъмирланганига 25 йилдан кам бўлмаган шахсий уй-жой, шу билан бирга текин фойдаланишда бўлган, ижара киймати оила ойлик даромадининг 3/4 қисмигача ташкил этадиган турар-жой)	1		
2	Автомототранспорт воситалари (ишлаб чиқарилганига 20 йилдан кам бўлмаган шахсий енгил, юк ва махсус автомобиллар, кишлок хўжалиги, гидротехник ва бошқа махсус техникалар, мотороллер, скутер ва бошқа кичик ҳажмли транспорт воситалари, шунингдек барча шаклдаги ижарада фойдаланилаётган техник воситалар)	1		
3	Чорва ва паррандалар (йирик қорамол 1 та, майда шохли 2 та ва паррандалар 10 тадан кам бўлган)	1		
4	Ижарага бериш орқали фойда олишга мўлжалланган кўчмас ва кўчар мулклар, (ижарадан тушган даромад жами ойлик даромаднинг 3/4 қисмидан кам бўлганида)	1		
5	Рангли телевизор (и/ч 7 йилдан кам бўлмаган, кейинги ўринларда – й.к.б.)	1		
6	Холодильник (и/ч 7 й.к.б.)	1		
7	Кир ювиш машинаси (и/ч 7 й.к.б.)	1		
8	Газ плита (и/ч 7 й.к.б.)	1		
9	Чангютгич (и/ч 5 й.к.б.)	1		
10	Тикув машинаси (и/ч 7 й.к.б.)	1		
11	Микротўлқинли печь (и/ч 5 й.к.б.)	1		
12	Кондиционер (и/ч 5 й.к.б.)	1		
13	Иситиш печлари (и/ч 5 й.к.б.) ва иситиш тизими (қурилганига 10 й.к.б., марказий иситиш тизимсиз)	1		
14	Дазмол (и/ч 3 й.к.б.)	1		
15	Электр чайнак (и/ч 3 й.к.б.)	1		
16	Ювиниш учун мосламалар (ванна, душ кабинаси, унитаз ва раковиналар, ўрнатилганига 10 й.к.б.)	1		
17	Мобил телефон (оила аъзоларини 1/3 қисмида бор бўлса, сотиб олинганига 5 й.к.б.)	1		
18	Интернет роутер (ўрнатилганига 5 й.к.б.)	1		
19	Компьютер (ноутбук, лаптоп ва б. и/ч 7 й.к.б.)	1		
2. Ижтимоий депривация бўйича (имкониятлар)				
20	Бир йилда камида бир ҳафта муддатга яшаб турган худуддан ташқарида дам олиш	1		
21	Бир ойда бир марта ресторан (кафе, бар ва ҳок) да оилавий (ёки ёлғиз) тушлик қилиш	1		
22	Бир ойда камида икки марта гўштли (балиқли, товукли ва ҳок) таом тайёрлаш	1		
23	Бирор йирик маиший жиҳоз бузилганида ўрнига янгисини сотиб олиш	1		
24	Кутилмаганда меҳмон келиб қолганида уни меъёрида кутиб олиш (туғилган кун, байрам ва бошқаларда ҳам)	1		
25	Бир йилда икки марта оилавий кўнгилочар жойларга ((концерт зали, кинотеатр, музей, ҳайвонот ва истироҳат боғларига (бепул кириш мумкин бўлганларидан ташқари)) ташриф буюриш	1		
26	Оила аъзоларидан кимдир ўртача оғирликда касал бўлиб қолганида уни даволатиш	1		
27	Оила аъзоларидан камида 1/3 қисмининг эски ҳолатдаги кийимларини янгилаш	1		
28	Оила кутилмаганда бошқа жойга кўчишига тўғри келса, бемалол кўча олиш	1		
29	Уй-жой ижараси, коммунал, кредит, бўлиб тўлаш ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлай олиш (бир йилда 2 ойдан кам бўлмаган қарздорлик)	1		
30	Камида 5 йилда бир марта урф-одатлар билан боғлиқ тадбирлар (туй, юбилей, маросим ва ҳок) ўткази олиш	1		
Жами балл		30		

*Муаллиф ишланмаси.

Ана шу тартиб асосида муаллиф томонидан Тошкент вилояти Зангиота тумани Янгиҳаёт маҳалласида (маҳаллада 550 дан ортиқ хонадон, 2200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади) яшовчи аҳоли ўртасида телеграм ижтимоий

тармоғи орқали онлайн сўров ўтказилди. Сўровда 100 та оила иштирок этди ҳамда уларнинг 87,0 фоизи 21 ва ундан юқори баллга эгаллиги аниқланди. Сўров ўтказилган оилаларда депривацион камбағаллик даражаси 13,0%ни ташкил этди.

Сўровда иштирок этганларнинг 96,0 %ида уй-жой, 85,0 %ида у ёки бу турдаги автототранспорт воситаси, деярли барчасида йирик маиший жиҳозлар мавжудлиги аниқланган (5-жадвал). Аҳолининг сезиларли қисмида ижтимоий депривация бўйича имкониятлар юқори эмаслиги, жумладан, уйдан ташқарида дам олиш, тушлик ёки кечки овқатни кафе-ресторанларда тановул қилиш, кутилмаганда оила бошқа жойга кўча олиши каби индикаторларда “йўқ” деб жавоб берганлар кўпчиликти ташкил этган.

Шу ўринда яна бир жиҳатни қайд этиш лозимки, сўровда иштирок этган оилаларнинг баъзи моддий активлари, жумладан маиший жиҳозларнинг ишлаб чиқарилган вақти ва фойдаланиш даврийлиги, яроқлилик муддати каби кўрсаткичлар Россия Федерацияси (<https://bitprice.ru/>) ва Беларусь Республикаси (<https://neg.by/>) стандартларидан олинган. Уй-жой ва автотранспорт воситаларининг қурилган ҳамда ишлаб чиқарилган муддатлари эса ўртача фойдаланиш даврийлиги ҳисобга олинган.

5-жадвал

Танлама сўровда аниқланган баъзи индикаторлар натижалари (% ҳисобида)

№	Депривация индикаторлари	бор	йўқ
1	Уй-жой	96	4
2	Автототранспорт воситалари	85	15
3	Рангли телевизор	99	1
4	Холодильник	95	5
5	Кир ювиш машинаси	99	1
6	Газ плита	100	0
7	Чангютгич	87	13
8	Тикув машинаси	37	63
9	Мобил телефон (оила аъзоларини 1/3 қисмида бор бўлса)	100	0
10	Компьютер (ноутбук, лаптоп ва б.)	48	52
11	Бир йилда бир ҳафтага яшаб турган ҳудуддан ташқарида дам олиш	35	65
12	Бир ойда бир марта кафе, бар ва ҳ.да оилавий ёки ёлғиз тушлик қилиш	38	62
13	Бир ойда икки марта гўшти (балиқли, товуқли ва ҳок) таом тайёрлаш	86	14
14	Кутилмаганда меҳмон келиб қолганида уни меъёрида кутиб олиш (тузилган кун, байрам ва бошқаларда ҳам)	60	40
15	Оила аъзоларидан кимдир ўртача оғирликда касал бўлганда даволатиш	67	33
16	Оила бошқа жойга кўчишига тўғри келса, бемалол кўча олиш	26	74
17	Уй-жой ижараси, коммунал, кредит ва бошқа тўловларни вақтида тўлай олиш (бир йилда 2 ойдан кам бўлмаган қарздорлик)	86	14

1 8	Камида 5 йилда бир марта урф-одатлар билан боғлиқ тадбирлар (туй, юбилей, маросим ва ҳок) ўткази олиш	83	17
--------	---	----	----

Сўров натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Хулосалар

1. Халқаро тажриба ва хорижий мамлакатлар услубиётидан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида ҳам аҳолининг камбағаллик даражасини аниқлашда амалдаги монетар усуллар билан бирга муқобил тарзда моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик даражасини ҳисоблаш, кузатиш, эълон қилиб бориш ва ишлаб чиқиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида буни инобатга олиш лозим. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ва барча жиҳатларни ўзида қамраб олган янги услубиёт ишлаб чиқиши зарур. Ҳозирда Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари қийматига асосланган мутлақ ва кўп ўлчамли камбағаллик даражаси эълон қилинмоқда. Муқобил тарзда депривацион камбағаллик даражасининг аниқланиши аҳоли турмуш фаровонлигини кўриш имконини беради.

2. Одатда моддий ва ижтимоий депривацион камбағаллик даражаси ҳисобланган ҳудудларда монетар ва кўп ўлчамли камбағаллик даражаси ҳам ҳамоҳанг бўлиши лозим. Агар монетар камбағаллик даражаси нисбатан паст бўлсаю, депривацион камбағаллик даражаси юқори бўлса, ўша ҳудудда аҳоли орасида даромад ва харажатларни яшириш, хуфёна иқтисодиёт кўлами юқори бўлади. Чунки, содда айтганда, моддий қийматга эга ва ижтимоий имкониятлардан бемалол фойдалана оладиган оила монетар камбағал бўлиши мумкин эмас, ўзида бўлган моддий бойликлардан самарасиз фойдаланаётган ёки умуман фойдаланмаётган бўлиши мумкин, бу парадоксал ҳолатдир. Шунинг учун, одатда Ўзбекистон шароитида камбағал ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш, шунингдек, имтиёзлардан фойдаланишида депривацион камбағаллик ҳолатини ҳам инобатга олиш тавсия этилади. Зеро, моддий қийматга эга ҳамда ижтимоий-маиший имкониятлардан фойдалана оладиган оила камбағал ҳисобланмайди.

3. Депривацион камбағаллик даражасини қисқартиришнинг энг мақбул йўли — аҳоли даромадларини шакллантириш, бандлигини таъминлаш ҳамда қулай ижтимоий муҳит, инфратузилмаларни яратишдан иборатдир. Худди монетар камбағаллик каби ушбу турдаги камбағалликни қисқартиришда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқотни кучайтириш, молиявий ва замонавий билимлар бўйича саводхонликни ошириш муҳим рол ўйнайди.

4. Ўзбекистон ва ҳудудларда аҳолининг депривацион камбағаллик даражасини доимий кузатиб борадиган тизим, шунингдек, мунтазам илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиб туриш лозим. Бу борада махсус электрон база, платформа ёки визуал карта ишлаб чиқиш, амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини унга доимий жойлаб бориш орқали аҳоли турмуш даражасида кутиладиган ижтимоий хатарларни олдини олиш мумкин. Инсон кундалик бирламчи эҳтиёжлар (озик-овқат ва кийим-кечак)дан сўнг имкони борича

барча маиший жихозлардан фойдаланиш, ўзини қониқтирадиган муҳитда осуда ҳаёт кечиришни хоҳлайди.

5. Аҳолининг депривацион камбағаллик даражаси эълон қилиниши ҳамда келгусида уни пасайишига қаратилган ислохотлар ўз навбатида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам туртки бўлади. Чунки инсон қанчалик кўп моддий қийматга эга товарларга эга бўлса ҳамда ижтимоий-маиший хизматлардан фойдаланса шунчалик кўп талаб ошиши, охир-оқибатда иқтисодиётнинг тезлашишига олиб келади. Яъни ушбу икки жараён чамбарчас боғлиқликда ривожланиши исбот талаб қилмайдиган қонундир.

Адабиётлар рўйхати

1. Декларация тысячелетия ООН. Принята резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи от 08.09.2000 г.

2. БМТ Тараққиёт дастури (UNDP) таҳлилий маълумотномаси. 2023 йил 11 июль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

4. Измерение бедности и социальной интеграции в ЕС/Рабочий документ 25-с. 20 января 2014 г. Европейская экономическая комиссия ООН, «Перспективы измерения бедности» конференция европейских статистиков. 2-4 декабря 2013 г. Женева, Швейцария.

5. Sen A. Commodities and Capabilities. Amsterdam: North-Holland, 1985., Development as Freedom. Oxford University Press, 1999.

6. Townsend P. Poverty in the United Kingdom: A Survey of Household Resources and Standards of Living. London, 1979. 1212 pp.

7. “Measuring material deprivation in the EU — Indicators for the whole population and child-specific indicators. Publications Office of the European Union, Luxembourg. 2012. 169 pp.

8. “Руководство по измерению бедности: дезагрегирование данных”. Доклад Европейской экономической комиссии ООН. 2020, Женева, Швейцария.

9. Guio Anne-Catherine and oth. “Improving the measurement of material deprivation at the European Union level”. Journal of European Social Policy 2016, Vol. 26(3) 219–233.

10. Корчагина И.И. и др. Материальные депривации в оценках бедности// Журнал “Народонаселение”, № 2, 2019. стр-54.

11. Итоги федеральных статистических наблюдений по социально-демографическим проблемам. [URL:http://www.gks.ru/free_doc/new_site/inspection/itog_inspect1.htm](http://www.gks.ru/free_doc/new_site/inspection/itog_inspect1.htm)

12. Шабанов В.Л. Депривационный подход в исследованиях бедности. Москва, 2020.

13. Alkire, S., Foster, J. 2011, Counting and multidimensional poverty measurement, Journal of Public Economics, Vol. 95, no. 7 – 8, p. 476 – 487.

14. Кальдерон С. Индекс многомерной бедности 2021: разоблачение различий по этническому, кастовому и гендерному признакам// https://unece.org/sites/default/files/2021-12/PPP_D.%20Multidimensional%20poverty_UNDP_rus.pdf

15. Пилотный отчет об индексе многомерной бедности в Узбекистане за 2023 год. <https://www.undp.org/uzbekistan/publications/uzbekistan-pilot-multidimensional-poverty-index-report-2023>

16. Условия жизни в Европе - материальные лишения и экономическое напряжение - Статистика - 2023. <https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title>

17. Доклад Федеральной службы государственной статистики «О совершенствовании методологических положений по расчетам индексов немонетарной

бедности по итогам выборочных наблюдений по социально - демографическим проблемам». Москва 2016. https://rosstat.gov.ru/storage/subblock/subblock_document/2018-06/28/doc-frol.pdf

18. Давыдова Н.М. Депривационный подход в оценках бедности // Социологические исследования. 2013. № 6. С. 88–96.

19. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг www.stat.uz интернет сайти маълумотлари.